# УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 96 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармонини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорларини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 24 март,
52-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 28 майдаги 145-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 5-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «ижтимоий таъминот бўлими томонидан халқ депутатлари ноҳия (шаҳар) Советининг ижроия қўмиталари билан биргаликда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан туман (шаҳар) ҳокимлиги билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Ноҳия, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 13 майдаги 235-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 5-сон, 18-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «иш билан таъминлаш хизмати (меҳнат биржалари) тизимининг» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «меҳнат биржаларига» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

иккинчи хатбошидаги «меҳнат биржалари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «меҳнат биржаларида» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат биржалари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомнинг 8-бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг, айниқса пенсияларни ва бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашнинг белгиланган қоидаларини қўллаш юзасидан бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 июндаги 310-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли бандлиги дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибида:

а) «Дастурни ишлаб чиқишнинг умумий масалалари» бўлими учинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш дастурини ишлаб чиқишга доир тавсиялар» бўлимининг 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

«д» кичик бандидаги «меҳнат биржаларида» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорида:

а) Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг биринчи хатбошидаги, 12-банднинг бешинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот бўлимининг» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзла-

ри «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 25-банднинг учинчи хатбошидаги ва 31-банддаги «ижтимоий таъминот бўлими» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг саккизинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «2001 йил 1 январдан кейин эса — ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича» сўзлари «2001 йил 1 январдан кейин — ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича, 2010 йил 1 январдан кейин эса — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1 — 6-иловалардаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги, 2-банддаги, 4-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги, 5-банднинг тўққизинчи хатбошидаги, 6-банднинг саккизинчи хатбошидаги, 7-банднинг ўн учинчи хатбошидаги, 8-банднинг олтинчи хатбошидаги, 16-банддаги, 17-банднинг иккинчи хатбошидаги, 18-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 21-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошидаги, 22-банддаги, 23-банддаги, 24-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 25-банднинг биринчи ва бешинчи хатбошидаги, 26-банднинг биринчи хатбошидаги, 27-банддаги, 28-банднинг иккинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошидаги, 30-банднинг иккинчи хатбошидаги, 32-банддаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

биринчи ва олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «2001 йил 1 январдан кейин эса — ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «2001 йил 1 январдан кейин — ижтимоий таъминот органлари томонидан, 2010 йил 1 январдан кейин эса — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошидаги, 24-банднинг учинчи хатбошидаги, 26-банднинг иккинчи хатбошидаги, 31-банднинг иккинчи хатбошидаги, 32-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 66-моддасининг 2 ва 3-қисмларига мувофиқ пенсия тўлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш тартибида:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2, 3-бандлардаги, 6-банднинг бешинчи хатбошидаги, 8, 10 ва 12-бандлардаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзларидан кейин «ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига» сўзларидан кейин «ҳамда Молия вазирлигига» сўзлари қўшилсин;

в) умумий равишда белгиланган ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати IX қисмидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни бошқа давлатларга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими пенсия олувчи доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетгандан кейин унинг пенсия йиғмажилдини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи аппаратига беради»;

10-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 33-модда):

а) Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банднинг биринчи хатбошидаги, 4-банднинг учинчи хатбошидаги, 5-банднинг биринчи хатбошидаги, 10-банддаги ва 11-банднинг биринчи хатбошидаги, 12-банднинг иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банддаги, 6-бандга изоҳдаги, 9 ва 14-бандлардаги, 16-банднинг биринчи хатбошидаги, 18, 19, 20 ва 21-бандлардаги, 23-банднинг биринчи хатбошидаги, 28-банднинг биринчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 1994 й., 8-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

10-банддаги ва 12-банднинг учинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

16-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Фуқаролар, Комиссия йиғини (мажлиси)га мажлисда қатнашишга аризачи ишлайдиган ташкилотлар раҳбарларини, туман солиқ, молия органлари, туманларнинг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари вакилларини ва бошқаларни таклиф қилиш тавсия этилади»;

Низомга 1-илованинг 2-бандидаги «меҳнат биржасида» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида» сўзлари билан алмаштирилсин;

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги 71-сон қарори

билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизими тўғрисидаги низомда:

6-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 1996 й., 12-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги низомда:

5-банднинг бешинчи хатбошидаги, 15-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 30-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 31-банднинг биринчи хатбошидаги, 32-банднинг биринчи хатбошидаги ва 33, 37-бандлардаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 1-иловадаги «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларида:

II-бўлимнинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Транспорт воситасининг Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бепул ёки имтиёзли шартларда берилган гувоҳномасига «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг рухсатисиз ҳисобдан чиқарилмайди» деб ёзиб қўйилади».

VI бўлимнинг 7-бандидаги «ижтимоий таъминот идоралари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомнинг II бўлими 5-бандидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг «Туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари» бўлимидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Даволаш-профилактика муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарорига 2-илованинг 5-бандидаги «ижтимоий таъминот бўлимларида» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-banднинг «д» кичик бандидаги «мансабдор шахсларга» сўзларидан олдин «корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга ва» сўзлари қўшилсин;

в) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «мансабдор шахсларга» сўзларидан олдин «корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга ва» сўзлари қўшилсин;

«в» ва «е» кичик бандлардаги «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 11 февралдаги 66-сон қарорининг 2-бандига қуйидаги хатбошилар қўшилсин:

«Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин;

янгидан тайинланган пенсиялар ва нафақаларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашнинг, шу жумладан фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан тўғрилигини ялпи текшириш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрилигини режали текшириш ўтказиш;

фуқароларга, шу жумладан банк ва почта муассасалари томонидан пенсиялар ва нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

зарурат бўлганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда, тиббиймеҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текшириш далолатномаларини ва хулосаларни такрорий экспертизадан ўтказиш».

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила ко-

дексини амалга ошириш учун зарур меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда);

а) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари 214-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва ижтимоий таъминот органларининг» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомнинг I бўлимида:

4-банднинг «в» кичик бандидаги «ижтимоий таъминот бўлимларига» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банддаги «ва ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомнинг 3-банди иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда:

5-банднинг учинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот, ички ишлар, меҳнат» сўзлари «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ички ишлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбошидаги, 20-банддаги, 21-банднинг 2-кичик бандидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда):

а) 2-бандга, 4-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошига «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) 1-илованинг 2 ва 6-бандларига «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

в) 2-иловага «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон,43-модда) билан тасдиқланган Олий

ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида низом 6-бандининг биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 29 мартдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 19-модда):

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали, ушбу марказларда рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш йўли билан, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий ёрдам кўрсатишга жалб этиш топширилсин»;

2-банддаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги 149-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банддаги, 6-банднинг «е» кичик бандидаги, 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 8 ва 9-бандлардаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа ядро-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 27-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини

такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ—3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 69-модда):

а) 1-банддаги «63» рақами «68» рақами билан алмаштирилсин;

б) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низомда:

6-бандга қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

«янгидан тайинланган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқишнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашнинг тўғрилигини, шу жумладан фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан ялпи текширишларни амалга ошириш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини режали равишда текшириш;

фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган кўрикдан ўтказиш далолатномаларини ва хулосаларни, зарурат бўлганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда қайта экспертизадан ўтказиш»;

7-бандга қуйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи — йигирма еттинчи хатбошилар қўшилсин:

«бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида янгидан тайинланган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқишнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашнинг тўғрилигини, шу жумладан фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан ялпи текширишларни амалга ошириш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланишини ва тўланишини режали равишда текшириш;

фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилган бошқа харажатларнинг тўғрилигини текшириш»;

8-бандга қуйидаги таҳрирдаги ўн бешинчи — ўн еттинчи хатбошилар қўшилсин:

«бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида янгидан тайинланган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқишнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашнинг тўғрилигини, шу жумладан фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги

бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириш йўли билан ялпи текширишларни амалга ошириш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тўғри ҳисобланишини ва тўланишини режали равишда текшириш;

фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қонун бузилишлари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш»;

9-бандга қуйидаги таҳрирдаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган кўрикдан ўтказиш далолатномаларини ва хулосаларни қайта экспертизадан ўтказиш учун мустақил экспертларни жалб этиш»;

11-банднинг 11.4-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11.4. Қуйидаги таркибдаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бошқармаси:

пенсия, нафақа ва компенсациялар тайинланиши ва тўланишини тафтиш қилиш бўлими;

ахборот-таҳлил шўъбаси»;

12-бандга қуйидаги мазмундаги 12.4-кичик банд қўшилсин:

«12.4. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бўлими»;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари зарур ҳолларда молия органлари, Ғазначилик ва унинг бўлинмалари, бюджет ташкилотлари фаолиятини, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган маблағлар ва кредитлардан, мурувват ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек Молия вазирлиги ҳузуридаги мақсадли жамғармалар, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини режадан ташқари тафтиш қилади ва текширади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан қўшимча равишда келишилмасдан амалга оширилади. Бунда ушбу текширишлар тасдиқланган режаларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруқларига мувофиқ амалга оширилади».

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик даврида ва уруш вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомда:

а) 14-банднинг бешинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 63-банднинг «г» кичик бандидаги ва 84-банддаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси (кейинги ўринларда Иш билан таъминлаш жамғармаси деб аталади) бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг самарали фаолият кўрсатиши тадбирларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибида ташкил этилган»;

б) 5-банднинг учинчи хатбошига «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

в) 8-банднинг тўртинчи хатбошидаги «молиявий санкциялар» сўзларидан кейин «жарималар» сўзи қўшилсин;

г) 11-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таъминоти барча даражалардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун бинолар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, уларни моддий-техникавий таъминлаш, компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа зарур техника билан жиҳозлаш»;

д) 20-банд, 21-банднинг биринчи хатбоши ва 22-банддаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 5-банднинг иккинчи хатбошидаги, 6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги ҳамда 8, 14 ва 23-бандлардаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1 ва 2-иловалардаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларида:

а) 43-бандда:

биринчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда матнда ижтимоий таъминот бўлимлари деб юритилади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари деб юритилади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан ушбу жамғарма маблағларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 44-банддаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 46-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 47-банднинг биринчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан ушбу жамғарма маблағларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 48-банддаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 49-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 62-банднинг биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг даромадлар ва харажатлар бўлимида» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Касаначилик тўғрисидаги низомда:

32-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 49-банднинг иккинчи хатбошидаги «Пенсия жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия ва-

зирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банддаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатининг «Масъул давлат органлари» устунидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 27-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчалари очилишини таъминласин»;

б) 3-банддаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги низомда:

3-бандда:

биринчи хатбошига «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошига «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

5-банддаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

биринчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

7-банд «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги, 9, 14, 15, 21-бандлардаги, 22-банднинг биринчи хатбошидаги, 23-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг биринчи ва учинчи хатбошига, 35-бандга, 36-банднинг биринчи хатбошига, 38-банднинг биринчи хатбошига «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 1-иловадаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 4-иловада:

учинчи хатбоши ва 2.2-банддаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

«Томонларнинг имзолари» қисмидаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 5-иловадаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 6-иловада:

«Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

«ижтимоий таъминот» сўзлари «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги низом 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 7-бандининг биринчи хатбошидаги ва 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорининг 3-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда):

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятдан олинган бошқа даромадлар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

учинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган

Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари тўғрисидаги низом 10-бандидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш методикасида:

а) 3.4-бўлимининг биринчи ва олтинчи хатбошига, 4-бўлимнинг иккинчи, тўртинчи, ўн тўртинчи ва йигирма иккинчи хатбошига, 5.1-бўлимнинг ўн биринчи хатбошига «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) 1-илова «Ҳисобга олиш шакллари» устунининг 1.4 ва II.2-бандларидаги «Бандликка кўмаклашувчи» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг «Ҳисоблаш методи» устунидаги «Бандликка кўмаклашувчи» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Базавий интерактив давлат хизматлари реестрининг 7 ва 8-позициялари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 7. | Бандлик масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| 8. | Пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш масалалари бўйича ахборотлар тақдим этиш | Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси |

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ижтимоий таъминот» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори билан тасдиқланган Болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ҳамда олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари ва муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашишининг доимий мониторингини олиб бориш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш схемаси 2 — 5-бандларининг «Ахборот тақдим этиш тартиби» устунидаги «Банд-

ликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 33-модда):

а) Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

6-бандда:

биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида, корхоналар ва уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда ишчи комиссиялар деб аталади) билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрларини ишлаб чиқадилар. Туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан касаначиликни ривожлантириш параметрлари тегишли равишда жорий йилнинг 8 январига қадар муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим этилади»;

10-банднинг бешинчи хатбоши ва 15-банднинг иккинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 1-илованинг II бўлимидаги «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

Низомга 2-илованинг «Ахборот қаерга тақдим этилади» устуни 1 ва 2-бандларидаги, «Ахборот берувчи орган (субъект)» устуни 3-бандидаги, «Ахборот олиш манбаи» устуни 4-бандидаги «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошига, Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисидаги низомнинг 8-бандига «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг еттинчи ва тўққизинчи хатбошига, 5-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошига, 6-банднинг олтинчи хатбоши, 8-бандга, 9-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши, 10 ва 12-бандлар, 14-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошига, 17, 18-банднинг биринчи хатбошига ва 21-банднинг биринчи хатбошига «Бандликка кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) Низомга 1-илова 1-бандининг еттинчи хатбошига ва 7-бандига тегишли равишда «Бандликка кўмаклашиш» ва «Аҳоли бандлигига кўмаклашиш» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

в) Низомга 2-иловадаги «Бандликка кўмаклашувчи» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашувчи» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) Низомга илованинг Ногиронни касбий реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши тўғрисида маълумотлар (бандлик хизмати тўлдиради) 1 ва 5-бандларига, 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошига «Бандликка кўмаклашувчи» сўзларидан кейин «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатида:

а) «Ахборотнинг тури» устунининг 16-бандидаги «иш билан бандликка кўмаклашиш» сўзлари «бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Масъуллар» устунининг 19-бандидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг олтинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ижтимоий таъми-

нот бўлимининг» сўзлари «туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-банднинг биринчи хатбошидаги «Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг» сўзлари «Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 19-банддаги «Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари» сўзлари «Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарорига 2-илованинг II бўлими (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 7-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 26 майдаги 135-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 30-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 5 июлдаги 155-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-7-сон, 34-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон қарори)» 2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарорига илованинг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 2-сон, 10-модда).